

*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat
Universiteti
Filologiya fakulteti o'zbek tili bo'limi*

REFERAT

Fan: Hozirgi o'zbek tili

Topshiruvchi: Allamberganova Muqaddas

Qabullovchi: Kazakov Ilhom

Nukus - 2013

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ҚОРАҚАЛПОҚЧАГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари азалдан қондош ва жондош қавмлар саналади. Улар яшаётган минтақалар яқин ва туташ бўлиши билан бирга тили ҳам, дили ҳам бир-бирига яқиндир. Навоий ижоди тимсолида ўзбек халқи кўз олдимизга келса, Бердақ ижоди мисолида Амударёнинг қуйи оқими бўйлаб жойлашган қадимий элат – қорақалпоқларнинг босиб ўтган йўли кўз олдимизда қаддини тиклайди. Чунки даҳолар орасида буюк муштараклик туйғуси бор.

Ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари, унинг туб илдизларини янада чуқурроқ ўрганиш ҳар иккала халқ адабиётшунослари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзаро маънавий бойиш йўлида қилинган ишлар халқларнинг ҳар жиҳатдан яқинлашувида жуда катта роль ўйнайди.

Ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари тараққиётининг тарихий илдизлари жуда узок даврларга бориб тақалади. Бу икки халқ ўртасидаги адабий қардошлик XIX асрга келиб айниқса кенг қулоч ёзди. Бунда Хоразм адабий муҳитининг роли катта бўлди. Бу асрнинг биринчи ярмига келиб, Хоразм ўлкасида таржимачилик, хаттотлик ва китобатчилик санъатлари анча тараққий топди. Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий каби хоразмлик тарихнавис ва шоирлар «Юсуф ва Зулайхо», «Вомиқ ва Узро», «Шоҳ ва гадо», «Шоҳнома» каби Шарқ адабиёти дурноналарини ўзбек тилига таржима қилишди.

Қўшни халқлар орасига, жумладан, қорақалпоқ элига ҳам кенг тарқалган ушбу асарлар ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари тарққиётида муҳим босқич вазифасини ўтади. Бунинг натижаси сифатида қорақалпоқлар орасидан Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби

шоирлар етишиб чикди. Улар ижодий такомилда маҳаллий адабиёт ва халқ оғзаки ижоди намуналари қатори, Навоий, Машраб, Физулий, Фурқат, Махтумқули сингари мумтоз шоирларнинг таъсири ҳам кучли бўлди.

XIX асрда яшаб, ижод этган Бердақ Фарғабай ўғли бу ҳақда шундай ёзади:

Навойдан савод очдим,
Физулийдан дурлар сочдим.

Бердақ бу ўринда номлари зикр қилинган шоирларнинг ўз ижоди тараққиётида катта ўрни борлигини таъкидламоқда. XIX асрнинг ўрталарига келиб, Қорақалпоғистонда ҳам таржимачиликка қўл урила бошланди. Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой каби шаҳарларда хаттотлар етишиб чиқа бошлади. Улар Шарқ адабиётининг йирик вакиллари асарларини таржима қилишиб, халқ орасида тарқатдилар. Шу тариқа қорақалпоқ классик шоирлари Қунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва Ўтеш шоир қабилар ўз халқи адабий меросидан баҳраманд бўлиш билан бирга ўзбек шоирлари ва Шарқ адабиёти вакиллари ижоди билан ҳам танишишга мушарраф бўлдилар.

Бир адабиётнинг иккинчи адабиётга, бир шоирнинг иккинчи шоирга таъсири, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги миллий адабиётлар тарққиётининг энг муҳим омилларидан саналади. Бироқ ўзаро адабий таъсир ижодий ҳамкорлик билан бирга иккинчи адабиётни ўзига сингдириб юборганликни англатмайди, балки ўртак олиш йўли билан иккинчиси ўз миллий белгиларини сақлаган ҳолда параллел ривожланиб боради.

Қорақалпоқ шоирлари ижодига Навоий таъсири масаласига ҳам шу нуқтаи назардан қараш адолатли ҳисобланади. Бердақ ва бошқа қорақалпоқ шоирлари ижоди Навоий анъаналари билан қай даражада

бойиган бўлмасин, уларнинг бош фазилати бу сарчашмага ижодий ёндошганликларидир, уларни миллийлаштиргани, ижодий ўзлаштирганлигидир.

Буни биз Бердақ шеърятининг мавзу доирасида ҳам, тилида, услубида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларини мустаҳкамлашда қорақалпоқ ва ўзбек шоирлари билан бирга хаттотлар ва таржимонлар ҳам катта роль ўйнашди. Территория, тил, урф-одатлар ва диний қарашларда мавжуд бўлган яқинлик ҳар иккала халқнинг иноқликда яшашлари учун қулай шароит туғдирди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари адабий-маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлари жуда қадим замонлардаёқ бошланган. Бу ҳамкорлик ўз ибтидосида гарчи стихияли равишда бўлса ҳам, унинг самаралари қорақалпоқ ва ўзбек халқ оғзаки ижодида, мумтоз адабиётлар тараққиётида ва унинг таниқли намояндалари ижодида кўзга ёрқин ташланиб турди.

Эътироф қилиш керакки, биз бугунги кунда қоралаётган шўролар даврида СССР да яшаётган халқлар орасида, айниқса, бир республика ҳудудида истиқомат қилаётган қорақалпоқ ва ўзбек халқлари орасида адабиё-маданий алоқаларнинг режали тарзда тараққиётига диққат қаратилди. Бу даврдаги ўзбек-қорақалпоқ адабий ҳамкорлигининг илк саҳифаси XX аср ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолияти билан бошланди. Маълумки, Ҳамза 1922-1924 йилларда Хўжайли шаҳрида истиқомат қилади ва бу ерда мактаб-интернат ташкил қилиб, унда дастлаб ўқитувчи, сўнгра мудирлик вазифасида ишлайди. Шу билан бирга бу ерда қорақалпоқ, ўзбек, туркман ва қозоқ болалари ичидан етишиб чиқаётган ёш талантларга устозлик ва ҳомийлик қилади. Қ.Эрмонов, С.Мажитов, Ҳ.Аҳмедов

сингари қатор қорақалпоқ адиблари бевосита Ҳамза раҳнамолигида вояга етдилар.

Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари 30-йилларда янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 1934 йилда бутуниттифоқ ёзувчилар уюшмаси ташкил қилинган, бу ҳамкорлик жиддий тус олди. Ҳамкорликнинг турли шакллари пайдо бўлди, Тадбирлар юқори ташкилотлар томонидан ташкил қилиниб, уларнинг ўтказилиб турилиши назорат қилинди. Албатта, бундай алоқалар давомийлиги ўз самарасини бера бошлади, самаралар йилдан-йилга кўпайиб, янги хусусиятлар касб эта бошлади. Шундай қилиб, адабий алоқалар ҳар икки халқ ижтимоий ҳаётининг муҳим қирраларидан бирига айланди.

Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларига таржимачилик нуқтаи назаридан кўз ташламоқчи бўлсак, худди мана шу йилларда таржимачилик катта бир соҳа сифатида куртак ёзди.

1939 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 50 йиллиги Қорақалпоғистонда ҳам жуда катта тантана сифатида нишонланди. «Қизил Қорақалпоғистон» газетасининг шу йилги 24 июль сонисидаги «Ҳамза Ҳакимзода» пешлавҳаси остидаги бутун бир саҳифа Ҳамзага бағишланди. Унинг ҳаёти ва ижоди масалаларига бағишланган мақолалар ва шоир ижодидан намуналар қорақалпоқ тилига ўгирилган ҳолда босиб чиқарилди.

Булар ўзбек адабиётидан қилинаётган илк таржималар эди. Шу билан ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларининг катта ва ёрқин бир саҳифаси – таржимачиликка асос солинди. Ҳамзанинг «Салом айтинг», «Севиқли Ватан», «Биз ишчимиз» каби қатор шеърларини қорақалпоқ тилига шу даврнинг таниқли адабиётшунос ва шоирлари Н.Жапақов, Ж.Оймирзаев, Марям Қосимовалар қорақалпоқ тилига таржима қилишганлар. Таржиманинг сифати эса, анча яхши чиққан. Улар

оригиналга анча яқин бўлиб, унинг ғоявий-бадиий хусусиятларини тўла сақлаб қолган. Кейинчалик ҳам Ҳамза асарлари қорақалпоқ тилига тез-тез таржима қилиниб турди. Бу фикримизнинг исботи сифатида 1959 йилда «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп қилинган Ҳамзанинг «Танланган асарлар» тўпламини келтиришимиз мумкин. Бу тўплам қорақалпоқ шеърхонларини Ҳамза ижоди билан янада яқинроқ таништирди.

Ҳамза асарларининг таржима қилиниши қорақалпоқ адабиётида ижобий ҳодиса бўлди ва кейинги асарлар таржимасига муҳим туртки бўлди.

Таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов «Дружба народов» журналининг 1982 йил 12-сонида босилган «Қон-қардош дилларнинг кудрати» сарлавҳали мақоласида Ўзбекистондаги адабий муҳит ва ушбу жараёнда қорақалпоқ халқининг ҳам ўрни бор эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзган эди:

«Ўзбек адабиёти кўп миллатли адабиёт. У ғоявий пафоси ҳамда маънавий-ахлоқий интилишлари билангина эмас, уни яратаётган муаллифларнинг таркиби билан ҳам байналминалдир. Қорақалпоқ ёзувчиларининг катта отряди ижоди ўзбек адабиётининг ажралмас бўлагидир».¹

Дарҳақиқат, XX аср ижтимоий-сиёсий тузуми даврида қорақалпоқ ўзбек ва қорақалпоқ халқлари маданияти тарихида порлоқ саҳифалар очилди. Илгаридан яқин муносабатда бўлган ушбу халқлар чинакам қардош-жондош халқларга айланди.

Улуғ Ватан уруши даврида адабий-алоқалар янада жипслашди. Бу даврнинг адабий алоқаларга доир тадбирлари ўз тематикасининг жанговарлиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб турди. 1942 йилда

¹ Ш.Рашидов. Сила родственных сердец. // «Дружба народов», 12-выпуск, Москва, 1982.

малакат тақдири учун ҳаёт-момот жанглари кетаётган даврда Миртемир, Ҳамид Олимжон, Чустий ва Ғ.Ғуломлар томонидан «Улуғ Ватан уруши жангчиларига Ўзбекистон халқидан хат» асари ёзилди ва марказий ҳамда нуфузли фронт газеталарида босилди. Мазкур мактуб-асар дарҳол бир гуруҳ қорақалпоқ шоирлари томонидан қорақалпоқ тилига ўгирилиб, «Қизил Қорақалпоғистон» газетасининг 1942 йил 19 сентябрь сонидан эълон қилинди. Кўп ўтмай Қорақалпоқ давлат нашриёти томонидан алоҳида китобча шаклида босиб чиқарилди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида – 50-60-йилларда таржимачилик борасида янада самарали ишлар қилинди. Ўзбек шоир ва ёзувчиларидан Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Зулфия сингари кўзга кўринган йирик намояндалар асарлари қорақалпоқ тилига таржима қилинди, тўпламлар кўринишида, газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинди. Ўз навбатида Ж.Оймирзаев, И.Юсупов, Т.Қаипбергенов каби қорақалпоқ адабиёти вакилларининг қатор асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, Тошкент нашриётлари, марказий газета-журналлари саҳифаларида чоп этилди.

Қорақалпоқ шоирларига Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон асарлари жуда катта таъсир кўрсатди. Шоир ва олим Н.Жапаков «Қорақалпоқ ва ўзбек бирга туғишганлар» шеърисида ҳар иккала халқ адабий ва маданий алоқаларининг қадим тарихга эга эканлигига ишора қилиб:

Бердақ Навоийни устоз деб билди,

Ундан сабоқ олди ҳаёт йўлида.

Ғафур ҳам Аббозни шу тақлид кўрди,

Улги этди шоирларнинг олдида, -

деган бўлса, 80-йилларга келиб Ж.Оймирзаев «Ғафур Ғуломга» шеърида шеърият чаманида ўзгача бир бўстон яратган устоз образини маҳорат билан тасвирлайди:

Ўзбек ўғли – улуғ Ватан фарзанди,
Ғафур Ғулом бир умрлик қариндош.
Бир байроқ остида мағрур ва танти,
Шоир юксакларга очди кенг қулоч.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғуломнинг турли жанрдаги қатор асарлари қорақалпоқ адабиётининг юксалишига самарали таъсир кўрсатди. Ижодкорлар бир-бирларидан маънавий ва ижодий озиқ олганлигини инкор этмаган ҳолда, миннатдорчилик туйғулари билан йўғрилган би-бирларига атаб шеърлар ёздилар.

Шунингдек, Ойбек ижоди ҳам қорақалпоқ адабиёти тараққиётига ижобий таъсир қилган омиллардан бири бўлди. Қорақалпоқ шоир ва ёзувчиларигина эмас, балки бу ердаги барча зиёлилар Ойбекни жуда ҳурмат қилишар ва унинг ижодини севар эдилар. Нукусда 1954 йилда қорақалпоқ тилида нашрдан чиққан «Ўзбекистон шоирлари» шеърий тўплами, 1959 йилда чоп этилган «Ўзбек ёзувчилари» насрий асарлари тўпламларида Ойбекнинг «Раиса», «Кун келар» каби шеърлари ва насрий асарларидан парчалар босилиб чиқди. 1966 йилга келиб, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи «Әдиўли қан» номи билан босмадан чикди.

Ойбек ва унинг ижодининг қорақалпоқ адабиётига таъсири ҳақида қорақалпоқ шоири Ғалим Сейтназаров 1963 йил «Амударё» журналининг 3-сонида «Унутилмас кунлар» деган мақоласида шундай ёзади:

«Ойбек йирик талант эгаси сифатида, нафақат ўзбек, балки қорақалпоқларнинг ҳам севимли ёзувчисига айланиб қолган...»²

Шунингдек, ушбу даврда қорақалпоқ мавзуида ўзбек тилида асарлар ёзишга ҳам катта эътибор берилди. Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» шеърлар туркуми ва «Сурат» достони, Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», «Чинор» романида, Жонрид Абдуллахоновнинг «Борса келмас» романи сингари турли жанрга мансуб асарларда қорақалпоқ халқи ҳаётининг турли жиҳатлари ўзига хос тарзда акс эттирилди.

Қорақалпоқ ва ўзбек тиллари орасида ўзаро таржима қилиш кейинги йилларда айниқса авжига чиқди ва доимий анъанага айланиб қолди. Бу албатта, халқларимиз руҳиятида ҳосил бўлган юксак маънавий эҳтиёж ва талабларнинг самарасидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» («Шаппаттай қыз»), Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» («Жеңимпазлар»), Саид Аҳмаднинг «Уфқ» («Көк жийек»), Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Ҳамид Ғуломнинг «Бинафша атри» («Бинапшаның хош ийиси») сингари қисса ва романиларнинг қорақалпоқ тилига ўгирилиши бу давр таржимачилигининг улкан қадамларидан бўлди. Ушбу асарларнинг таржима қилинишида Тўлепберген Қайипбергенов, Тажетдин Сейтжанов, Ғалим Сейтназаров сингари қорақалпоқ адибларининг хизматлари катта бўлди.

1980 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиққан қорақалпоқ шоирларининг «Тўққиз тўрғай» номли тўпламининг нашр этилишини шеърый таржимачилик тарихида муҳим бир босқич бўлди дейиш мумкин. Ушбу тўплам кенг китобхонлар оммаси ва адабий жамоачилик томонидан илиқ кутиб олинди. Тўпламга

² Ғ.Сейтназаров. Умытылмас кунлер. // «Амударё» журналы. 1963, №3, 162-бет.

қорақалпоғистонлик тўққиз нафар талантли шоирлар Соғинбой Зияуов, Тўлепберген Матмуратов, Узақбой Пиржанов, Кенгесбой Раҳманов, Улмаббет Хўжаназаров, Гулистон Шомуратова, Тўлибой Қабулов, Марат Қарабаев ва Расберген Жаббарбергеновларнинг сараланган шеърлари киритилган эди. Тўпламдаги шеърларда қадрдон диёр табиати, табиатига ўхшаш кенг феъллик қорақалпоқ халқининг орзу-истаклари, ҳис-туйғулари, ёшлик, гўзаллик, дўстлик ва муҳаббат ҳақидаги ўй-кечинмалари ўзига хос тарзда бадиий ифода топган. Шеърларни Хуршид Даврон, Сулаймон Раҳмон, Амиркул Пўлкан, Мирпўлат Мирзаев каби истеъдодли шоирлар таржима қилишган. Шунингдек, Ж.Оймирзаев, И.Юсупов ва Т.Қаипбергенов каби машҳур адибларнинг кўпгина асарлари мустақил китоб, кўптомликлар тарзида ўзбек тилига таъдил қилинди. Бу асарлар таржимасида Омон Матжон, Лола Тожиева каби таржимонларнинг хизматлари катта бўлди.

Хўш, ҳар иккала халқ тилларидан ўзаро таржималарнинг савияси қандай?

Ҳар бир халққа хос урф-одатлар, миллийлик таржималарда тўла инъикосини топмоқдами?

Ўзбекчадан қорақалпоқчага, қорақалпоқчадан ўзбекчага таржима қилишнинг ўзига хос жиҳатлари борми? Мавжуд бўлса, улар нималардан иборат?

Ушбу саволларга биз ишимизнинг биринчи бобида услуб жиҳатдан бир-бирларига яқин бўлган Т.Қаипбергенов ва Ҳамид Ғулом асарлари таржималари мисолида жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ҳар бир халқ ўзи учун тушунарли бўлган лексик бойликка, маълум урф-одатларга, географик ва аномастик номларга ва исмларга эга бўлади. Таржима қилиш учун қўлга олинган асарга мана шу нуқтаи назардан қараб, синчковлик билан иш олиб борган

таржимонгина муваффақият қозона олади. Акс ҳолда таржима асарининг савияси пасаяди, муаллиф кўзда тутган ғояга, асар бадииятига путур етади.

Бадиий таржимада ўгирилиш зарурияти йўқ сўзлар ҳам бўладики, улар таржима қилинса, миллий ўзига хослик ва тарихий колорит ҳаққонийлиги йўқолади ёки баён қилинаётган воқеликка бутунлай ёт мазмун келиб чиқиб қолиши мумкин.

«Музыка асбобларининг номлари, эски ўлчовлар ва пул бирликларини, яъни миллий ўзига хосликни реал кўрсатишга хизмат қиладиган сўзларни таржима қилиш мумкин эмас», - деб ёзади латвиялик таржимашунос Мария Шуман ўзининг «Таржима қилинадиган ва ўгирилмайдиган сўзлар» мақоласида.³

Биз асос қилиб олган асарлар таржимасида бу масалага қандай муносабатда бўлинган. Бунга жавоб топиш учун қуйидаги парчаларга эътибор қаратамиз:

«Якоб бундай сораў болатуғынын кўтпесе керек, жуўап орнына ойланып қалды». (339-бет)

Таржимада:

«Ёқуб бундай саволни кутмаган бўлса керак, ўйланиб қолди».

Рус йигитининг «Ёқуб» деб номланиши китобхонда ишончсизлик уйғотиши табиий бир ҳол. Лола Тожиева томонидан ўзбек тилига ўгирилган Т.Қаипбергеновнинг «Бахтсизлар» романи олинган юқоридаги мисолда кўриниб турибдики, таржимон жуда катта хатога йўл қўйган. Албатта, ушбу хато М.Шуман таъкидлаганидек, нафақат музыка асбоблари, пул бирликлари номлари, балки одамнинг исмини ҳам таржима қилиш туфайли юзага келган.

³ М.Шуман. Переводимые и непереводимые слова. // Мастерство перевода. Москва, 1984, 129-стр.

Худди шу хил хатога жой номининг ўгирилиши туфайли йўл қўйилганлигини Т.Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси 3-китоби бўлмиш «Гумроҳлар» романи таржимасида ҳам кўрамиз. Бунда «Қазақдарья» «Қорадарё»га айланиб қолган. Аслида бу худудлар бошқа-бошқадир. Наҳотки, бош ҳарфлар билан таъкидланиб, турган географик номни ўгиришда шунчалик эътиборсизликка йўл қўйиш мумкин бўлса?!

Бадиий таржимада таржимонлар маълум бир иқтидорга эга бўлишлари шартки, бу географик жойларга хос табиий ҳодисаларни идрок қилиш ҳиссидир.

1979 йилда ўзбек адиби Ҳамид Ғуломнинг «Бинафша атри» романи «Бинапшаның хош ийиси» номи билан қорақалпоқ тилига ўгирилиб, нашр этилди. Мазкур асар таржимаси таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ҳозирда Ўзбекистон қаҳрамони Тўлепберген Қаипбергенов қаламидан чиққан. Ҳ. Ғуломнинг ушбу китоби қорақалпоқ китобхонлари томонидан қизгин кутиб олинди. Бироқ роман таржимасини синчиклаб ўргансак, юқорида таъкидлангандек географик ўринларга хос табиий ҳодисалар тасвирига бағишланган жойларни таржима қилишда жиддий англашилмовчиликка йўл қўйилганини кузатишимиз мумкин. Оригиналда:

«Гармсел гуллаб турган дарахтни ногоҳон қақшатиб қуритганидай, Нафисанинг ташвиши унинг баҳорини кузга, ёзини қишга айлантирди-қўйди». («Бинафша атри»дан)

Таржимада эса бундай:

«Сел жапырылып гүллеп турған дарақты бирден қуўратқанындай, Нафийсаның тәшўийши оның бәхерин гүзге, жазын қысқа айландырды-да қойды».

Ушбу ўринда таржимон негадир «гармсел»ни «сел»га айлантириб юборган. Ҳар қандай одамга ҳам маълумки, «гармсел» (саратондаги иссиқ шамол) бўлган жойда «сел» (кучли ёмғир натижасида юзага келадиган, теварак-атрофни ювиб кетувчи табиий офат) бўлмайди. Қолаверса, асар воқеалари содир бўлаётган жой, географик шарт-шароит нуқтаи назаридан чўл минтақаси, сел эса кўпинча тоғли минтақаларда содир бўладиган табиат ҳодисасидир, тоғлик жойларда эса, гармсел бўлмайди.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари бир-бирларига яқинлиги, сўзларнинг график жиҳатдан ўхшашлиги бир қарашда таржимонлар учун катта қулайликдай бўлиб кўринади. Эҳтиёт бўлинмаса худди мана шу жиҳатлар ҳам таржимонни хато сари бошлаши мумкин. Бундай хатоларга тилларнинг ўзига хослигини тушуниб етмаслик оқибатида йўл қўйилади. Асар ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига ва аксинча қорақалпоқ тилидан ўзбекчага таржима қилинаркан, демак, таржимон ҳар икки халқ тилини яхши билиши, нафақат тилни балки бадий тил орқали акс эттирилаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини ҳам чуқур англаши лозим. Шундагина асар мазмуни тўлалигича бошқа халқ вакили, иккинчи миллат китобхонига етиб боради.

«Бинафша атри» романи таржимасини кузатар эканмиз, умуман олганда, таржимон оригинални ҳис қила билган, унга ижодий ёндашиб, анча ютуқларни қўлга киритган. Албатта, ҳар қандай иш қусурсиз бўлмайди, деганларидек, юқоридагидек ва бошқа типдаги камчиликлар оз бўлса ҳам, китобхонни безовта қилади. Чунончи «Бинафша атри» таржимасида «парамач», «Тўсиниксизлер» таржимасида «илашиқ» асл ҳолида, яъни таржима қилинмасдан берилган. Холбуки, бу сўзларнинг маъносига барча китобхонлар ҳам тушуниб етавермайди. Шундай экан,

бу сўзларга изоҳ берилса ёки шу сўзлар маъносини тўла ифодаловчи сўз топиб, истифода қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримова М. Таржима ва дунёқараш. // Таржимашуносликка оид тадқиқотлар. Т., Ўқитувчи, 1975.
2. Отабеков Б. Образ ва таржима. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. 2-сон.
3. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Т., Ўқитувчи, 1978.
4. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 1-китоб, Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
5. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 2-китоб, Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
6. Шарипов Ж., Ғофурова Г. Ўзбекистонда таржимашунослик фани равнақи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. 5-сон.
7. Ғофурова Г. Таржима назариясининг муҳим масалалари. // «Шарқ юлдузи», 1987, 7-сон.
8. Шоиноятова М. Таржима жумбоқлари. // «Шарқ юлдузи», 1989, 12-сон.